

## Ифтор пайтидаги дуо



17:09 / 14.05.2020 2249

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон ифтор қилсалар:

«Заҳабаз зомау ва баталлатил уруқу ва сабатал ажру, иншааллоҳ» («Гуноҳ кетди, томирлар ҳўлланди ва иншааллоҳ, ажр собит бўлди»), дер эдилар».

Абу Довуд ва Насайй ривоят қилганлар.

Ифтор пайтида қилинган дуо тўсиқсиз қабул бўлиши маълум ва машҳур. Ушбу ва ундан кейин келадиган ривоятлардаги дуолар оғиз очишда ўқиладиган дуоларидир. Улардан бирини ёдлаб олиб, оғиз очиш пайтида ўқишга одатланилса, жуда ҳам яхши бўлади.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон ифтор қилсалар:

«Аллоҳумма! Лака сумту ва ʔалаа ризқика афторту» («Аллоҳим, Сен учун рўза тутдим ва Сен берган ризқ ила ифтор қилдим»), дер эдилар».

Абу Довуд ва Тобароний ривоят қилганлар.

Тобаронийнинг лафзида:

«Бисмиллаҳ. Аллоҳумма! Лака сумту ва ʔалаа ризқика афторту» («Бисмиллаҳ. Аллоҳим, Сен учун рўза тутдим ва Сен берган ризқ ила ифтор қилдим»), дейилган.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Муъозникида ифтор қилдилар-да ва сўнгра:

«Афторо ʔиндакум ас-соимуун ва акала тоъамакумул-аброру ва соллат ʔалайкумул малааика» («Ҳузурингизда рўзадорлар ифтор қилдилар, таомингизни яхшилар едилар ва фаришталар сизга саловот айтдилар»), дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг халифаликлари тўққиз йил давом этиб, шу давр мобайнида биринчи бўлиб дирҳамни жорий этдилар. Ушбу дирҳамнинг бир тарафига «Муҳаммадур Расулulloҳ», иккинчи тарафига «Амруллоҳи билвафо вал адл» деган ёзувлар битилган эди.

Араб ўлкаларида Рамазондан бошқа пайтларда ҳам меҳмондорчиликнинг охирида юқорида зикр қилинган дуони ўқишга одатланишган.

Ушбу ҳадисдан аҳли фазлларни чақириб, ифтор қилиш марғуб эканлиги келиб чиқади. Чунки ансорийларнинг Авс қабиласи улуғи Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳунинг Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам бошлиқ саҳобаларни ифторга чақиришлари шунга далолат қилади. Шу билан бирга, бировнинг зиёфатида бўлган шахс унинг ҳаққига дуо қилиши кераклиги ҳам келиб чиқади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан